



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2021 йил – Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



WWW.XS.UZ



E-mail: Info@xs.uz



2021 йил 18 декабрь, № 270 (8050)



Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



АЛОҲИДА СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ ЯНАДА ЮҚОРИ ДАРАЖАГА ОЛИБ ЧИҚИШ УЧУН МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОР ЯРАТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев давлат ташрифи билан Корея Республикасида бўлиб турибди.



Ташрифнинг асосий тадбирлари 17 декабрь куни ўтказилди.

Корея Республикаси Президентининг Сеул шаҳридаги “Чонг Ва Да” қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон ва унинг рафиқаси шарафига фахрий қоровул саф тортди. Икки мамлакат давлат мадҳиялари янгради. Тантанали маросимда Тонгги софлик мамлакатининг қадимий тарихи ва ёрқин замонавийлиги ўз аксини топди.

Сўнг давлат раҳбарлари икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида музокара ўтказдилар. Корея Республикаси Президентини олий мартабали меҳмонни кутлар экан, Сеул Тошкент билан ҳамкорликни барча йўналишларда янада ривожлантиришга катта аҳамият қаратаётганини таъкидлади.

— Хурматли Шавкат Мирзиёев жанобларини, менинг қадрли биродаримни кутлайман. Сеулга хуш келибсиз. Шу йил январь ойидаги учрашувимизни яхши эслайман. Ўша мулоқотимиз жорий йилдаги биринчи олий даражадаги учрашувим бўлди. Бугун эса Сиз билан йил якунида юзма-юз кўришиб турибмиз. Менинг дипломатик тадбирларим айнан Сиз билан бошланиб, якунига етаётганидан, айниқса, мамнунман. Корея ва Ўзбекистон алоҳида стратегик шериклик муносабатлари билан боғланган ҳамкорлардир. Биргаликдаги сайёҳаракатлар билан кишлоқ хўжалиги ўсқуналари ва электр техникаси ишлаб чиқариш, энерготехника тармоғи ва энергетика, саноат корхоналарини барпо этиш каби соҳаларда турли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Сизнинг ташрифингиз доирасида қатор муҳим ҳужжатларга имзо чекилади. Биз Ўзбекистон билан елкама-елка ўзбек, глобал иқлим ўзгаришларига қарши туришга, “ақлли шаҳар”лар, смарт-фермалар, АКТ ва электромобиллар ишлаб чиқариш каби истиқболли йўналишларда ҳамкорликни ривожлантиришга тайёرمىз. Келаётган йилда биз дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллигини нишонлаймиз. Умид қиламаники, янги йилда биз биргаликда фаровонликнинг янги саҳифасини очамиз.

Президент Шавкат Мирзиёев тақлиф учун миннатдорлик билдириб, очкичлар ва ўзаро ишонч икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар ривожини учун мустаҳкам пойдевор бўлиб келаётганини таъкидлади. — Учрашиб турганимиздан жуда мамнунман. Давлат ташрифи билан гўзал Кореяга келишга тақлиф қилганнингиз ва ҳар доимгидек илиқ меҳмондўстлик учун миннатдорман. Ҳозир об-ҳаво совуқ, лекин корея-

лик биродарларимизнинг қалби қайноқ. Биз мамлакатингиз ва корейс халқига алоҳида бир самимият билан қараймиз. Менталитетимиз, анъана ва маънавий қадриятларимиз ўхшаш. Сизнинг “Янги сиёсат”ингиз юқори технологиялар, рақамлаштириш, инновацион ва “яшил” тараққиёт соҳаларида юртингиз етакчилигини мустаҳкамлаш, истеъдодли корейс халқининг улкан интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришга хизмат қилди, — деди Ўзбекистон Президенти.

Мана, 15 йилдирки, мамлакатларимиз стратегик шерикдир. Шавкат Мирзиёев ва Мун Чжэ Иннинг дўстлиги ва сиёсий иродаси эса Ўзбекистон — Корея ҳамкорлигига янги суръат бағишлашга кучли рағбат бўлди.

Давлат раҳбарлари тўртинчи бор учрашмоқда. 2017 йил ноябрь ойида Шавкат Мирзиёев Корея Республикасида давлат ташрифи билан бўлди. 2019 йил апрель ойида Президент Мун Чжэ Иннинг Ўзбекистонга жавоб ташрифи бўлиб ўтди, унинг доирасида Алоҳида стратегик шериклик тўғрисида қўшма декларация қабул қилинди. 2021 йил январь ойидаги он-лайн саммитда эса етакчилар ўзаро алоқаларни янада фаоллаштириш бўйича қатор янги ва долзарб ташаббусларни илгари сурдилар.

Кореяга бу галги ташриф фаол мулоқотнинг мантиқий давоми бўлди.

Ўзбекистон етакчиси узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган амалий шерикликнинг устувор йўналишларини қайта кўриб чиқишни даврнинг ўзи тақозо қилаётганини алоҳида таъкидлади. Икки мамлакат ҳамкорлиги глобал иқтисодиётнинг бугунги таҳдидларига тўлиқ жавоб бериши керак.

Корея Республикаси Ўзбекистоннинг асосий савдо-иқтисодий ҳамкорларидан. Кейинги йилларда товар айирбошлаш ва қўшма корхоналар сони қарийб икки баробар ортди. Пандемия оқибатларига қарамай, кўп қиррали муносабатлар изчил ривожланиб бормоқда.

Ўзбекистон ва Корея Эркин савдо тўғрисидаги битимни тузиш масаласида анча илгарилари. Учрашувда ушбу ҳужжатнинг келгуси йилда имзоланиши туфайли товар айирбошлаш кўрсаткичларини ошириш ва мувозанатга келтириш имконияти пайдо бўлишига ишонч билдирилди.

Кореянинг Ўзбекистонга инвестициялари ҳақми 7 миллиард доллардан ошган. Жорий йилда 320 миллион доллар, яъни 2020 йилдагига нисбатан 20 фоиз кўп ўзлаштирилди. Бу маблағлар ҳисобига кимё, нефть-кимё, тўқимачилик, қурилиш, кишлоқ хўжалигида қўшма

лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Корея Эксимбанки ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва ҳамкорлик фонди (EDCF) билан кўп йиллик самарали ҳамкорлик алоҳида диққатга сазовор. Масалан, ушбу жамғарма доирасидаги молиялаштириш ҳажми 1 миллиард долларга етказилди. 2023 йилга қадар Ўзбекистонда янги лойиҳаларни амалга оширишга салмоқли маблағ йўналтирилмоқда.

Кореянинг халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) билан сермаҳсул шериклик ҳам кенгаймоқда.

Ўзбекистон Президенти яқин даврга мўлжалланган ҳамкорликда учта асосий йўналиш: “яшил” тараққиёт, рақамлаштириш ва ижтимоий ҳимоя тизимини мустаҳкамлаш масалалари кун тартибда турганини таъкидлади. Истиқболдаги барча қўшма лойиҳалар, дастур ва ҳаракатлар режаларини шу асосий устуворликлардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқиш тақлиф этилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистоннинг инсон капитали ва табиий ресурслари Корея Республикасининг истиқболли технологиялари ва билимлари билан бирлашса, жаҳон бозорига талаб юқори бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун яхши замин яратиш мумкинлигини алоҳида таъкидлади. Шу муносабат билан давлатимиз раҳбари Иқтисодий тараққиётга кўмаклашиш фондиди (EDPF) жалб қилган ҳолда, Тошкент вилоятида яримўтказгич ва электроника ишлаб чиқариш бўйича Ўзбекистон — Корея кластерини ташкил этиш тақлифини билдирди. Унинг ҳудудида фан-таълим муассасалари, илғор технологиялар соҳасидаги тадқиқот ва ишланмалар марказларини жойлаштириш мумкин бўлади.

Томонлар қайд этганидек, мамлакатимизда биргаликда ташкил этилган Тўқимачилик технопарки ва Кишлоқ хўжалиги машинасозлиги маркази фаолиятини ҳар томонлама рағбатлантириш ва ривожлантириш давом эттирилади.

Ўзбекистон Кореянинг рақамли иқтисодиёт, сунъий интеллект, “ақлли шаҳар”лар, аутсорсинг, алоқанинг янги авлоди ва интернет-технологиялар борасидаги ютуқларидан ўз амалиётида фойдаланишдан манфаатдор.

Мамлакатларимиз соғлиқни сақлаш, мактабгача ва олий таълим соҳаларида жиддий ҳамкорлик қилмоқда. Тиббиётда амалга оширилган илк йўриқ қўшма лойиҳа натижасида ўтган йилдан буён Тошкент шаҳрида Болалар кўп тармоқли клиникаси фаолият юритмоқда.

Корея таълим модели дунёдаги энг намунали тажрибалардан биридир. Айнан шу боис юртимиз мак-

табгача таълим тизими Кореядаги ҳамкорларнинг илғор тажрибаси ва билимлари асосида тўлиқ ислоҳ қилинди.

Ўзбекистон Президенти университетлар ўртасидаги инновацион ҳамкорликни ривожлантириш муҳим эканини таъкидлаб, уларнинг мунтазам мулоқоти учун доимий майдон яратиш, келгуси йилда икки мамлакат олий таълим муассасалари ректорлари форумини ўтказишни тақлиф қилди.

Музокаралар чоғида пандемиядан кейинги даврда туризм соҳаси иқтисодий ўсиш локомитивларидан бўлиши мумкинлиги таъкидланди. Ўзбекистон Корея компанияларининг меҳмонхоналар ва инфратузилма объектлари қурилиши билан боғлиқ лойиҳалардаги иштирокини кўллаб-қувватлашга тайёр.

Келгуси йилда мамлакатларимиз дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги ва корейс диаспораси Ўзбекистонда истиқомат қилишининг 85 йиллигини нишонлайдилар.

Давлатимиз раҳбари 2022 йилни “Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги ўзаро алмашинувлар йили” деб эълон қилишни, Тошкентда Корейслар тарихи музейи ҳамда Корейс маданият ва санъат уйи қошида кутубхона ташкил этишни тақлиф этди.

Шунингдек, глобал ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон ва Кореянинг кўплаб масалалар юзасидан қарашлари ўхшашдир. Мамлакатларимиз халқаро майдонда бир-бирига кўмаклашмоқда. Корея Республикаси Ўзбекистоннинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига сайланишини, шунингдек, 2023 йилда Жаҳон туризм ташкилоти Бош ассамблеяси 25-сессиясини ўтказиш жойи сифатида Самарқанд номзодини маъқуллади. Ўзбекистон, ўз навбатида, Кореянинг 2024-2025 йилларда БМТ Хавфсизлик кенгаши муваққат аъзоси бўлиш ниятини қўллаб-қувватлайди.

Президент Шавкат Мирзиёев “Корея Республикаси — Марказий Осиё” форумининг минтақамиз барқарор тараққиётига кўмаклашишдаги ўрни кучайиб бораётганини юқори баҳолади.

Ўзбекистон етакчиси ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг истиқболли лойиҳа ва дастурларини илгари сурish мақсадида парламентлар ва ҳукуматлар даражасидаги мулоқотнинг янги самарали механизмларини жорий қилишни тақлиф этди.

Ўзбекистон Президентининг давлат ташрифи, унинг доирасида қабул қилинган қарорлар ва эришилган келишувларнинг аҳамиятига кўра, алоҳида стратегик ше-

риклик муносабатларини янада юқори даражага олиб чиқиш учун мустаҳкам пойдевор яратувчи тарихий воқеа бўлди.

Давлат раҳбарларининг самарали музокараларидан сўнг икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Мун Чжэ Ин Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасидаги алоҳида стратегик шериклик муносабатларини чуқурлаштириш тўғрисидаги қўшма баёнотни қабул қилдилар.

Бу ҳужжатда ўзаро манфаатли ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш, дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллигини кенг нишонлаш, икки халқ ўртасидаги дўстлик муносабатларини мустаҳкамлаш мақсадлари ўрин олган. Рақамлаштириш, “яшил иқтисодиёт” ва кучли ижтимоий сиёсат соҳалари алоҳида стратегик шерикликнинг уч муҳим йўналиши сифатида белгиланган.

Икки мамлакат раҳбарлари ҳузурида Соғлиқни сақлаш соҳасида ҳукуматлараро битим, Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги билан 2022 — 2024 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури, Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 2022 — 2024 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури, шунингдек, энергетика соҳасида ўзаро мулоқот ўрнатиш, “ақлли шаҳар”ларни ривожлантириш, Иқтисодий тараққиётга кўмаклашиш жамғармаси орқали молиялаштириш, нодир металллар, мис ва уларнинг қотишмаларига оид меморандумлар имзоланди.

Шунингдек, ташриф доирасида ахборот технологиялари, “ақлли” кишлоқ хўжалиги соҳаларига оид меморандумлар ҳамда Иқтисодий тараққиёт жамғармаси билан ҳамкорликда тиббий ускуналар етказиб бериш тўғрисида битим имзоланди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев Сеул шаҳрида Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси Спикери Пак Бён Сок билан учрашув ўтказди.

Сўхбатда Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасидаги алоҳида стратегик шериклик муносабатлари ҳар томонлама ривожланиб бораётгани, Президентимизнинг ушбу давлат ташрифи уларга янги кучли суръат бағишлагани мамнуният билан таъкидланди. Турли даражаларда, шу жумладан, парламентлараро ҳамкорлик йўналишида самарали сиёсий мулоқот ва алоқалар фаол давом эттирилмоқда.

Ўзбекистон — Корея муносабатларини мустаҳкамлашда парламентлараро “дўстлик гуруҳлари” муҳим

ўрин тутди. Жорий йил июнь ойида уларнинг онлайн учрашуви бўлиб ўтди. Давлат бошқарувини ислоҳ қилиш, фуқаролик жамияти, гендер масалалари, таълим ва ҳудудларни ривожлантиришга доир қонун ижодкорлиги борасида тажриба алмашилмоқда.

Учрашувда икки томонлама ҳамкорликни янада фаоллаштириш юзасидан батафсил фикр алмашилди.

Миллий Ассамблея Спикери Корея тажриба алмашишни кенгайтиришга, жумладан, Ўзбекистонда электрон парламент механизмларини жорий қилишга кўмаклашишга тайёр эканини билдирди.

Корея парламенти вакиллари келгуси йилда Тошкент шаҳрида ўтказиладиган Жаҳон мамлакатлари парламентларининг аёл спикерлари саммитида иштирок этишини тасдиқлади.

Шунингдек, қўшма дастур ва лойиҳаларни илгари суришнинг янги институционал механизмларини жорий қилиш ташаббуси қўллаб-қувватланди.

Томонлар “Корея Республикаси — Марказий Осиё” ҳамкорлик форуми доирасидаги яқин мулоқотни давом эттиришдан манфаатдор эканликларини тасдиқладилар.

Олий даражада эришилган келишувлар ижроси устидан самарали парламент назоратини таъминлаш муҳим экани қайд этилди. Икки мамлакат парламентлари вакиллари бу борада бор куч ва имкониятларини ишга солишларини таъкидладилар.

Президент Шавкат Мирзиёев Сеулдаги миллий қабристонга ташриф буюриб, марҳумлар хотирасига эҳтиром кўрсатди.

Бу ерда Корея мустақиллиги учун курашган ҳамда урушларда ҳалок бўлган инсонлар, мамлакат ривожига катта ҳисса қўшган давлат ва жамоат арбоблари дафн этилган. Шу боис у табаррук қадамжи сифатида эъзозланади. Хорижий давлатлар раҳбарларининг бу ерга келиши корейс халқига ҳурмат ифодаси ҳисобланади.

Шавкат Мирзиёев рафиқаси ҳамроҳлигида мазкур қабристондаги ёдгорлик пойига гулчамбар қўйди ва эсдалик битиги қолдирди. Бу битик мажмуа музейидан жой олади.

Давлатимиз раҳбари Фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Корея Республикасига давлат ташрифи давом этмоқда.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

Хорижлик экспертлар:

ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ ТАШРИФ ЎЗБЕКИСТОН ВА КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚАЛАРИГА ЖАДАЛ СУРЪАТ БАҒИШЛАЙДИ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Корёя Республикасига давлат ташрифи доирасида 17 декабрь куни бўлиб ўтган олий даражадаги музокаралар халқаро эксперт-таҳлил ҳамжамияти вакилларининг диққат марказида турибди.

“Дунё” ахборот агентлиги таниқли хорижий экспертлар баҳоларини тақдим этмоқда.

Таҳлил

Манабу Симицу, Ривожланаётган иқтисодиётлар институти (Япония) фахрий профессори:



— Президент Шавкат Мирзиёевнинг Жанубий Корёяга давлат ташрифи ва Президент Мун Чжэ Ин билан музокаралари стратегик шериклики кенгайтириш, турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорликни янада юқори босқичга кўтаришга хизмат қилди.

Ўзбекистон 2017 йилда эълон қилинган “Янги шимолий сиёсат” доирасида Жанубий Корёянинг асосий ҳамкорларидан бири ҳисобланади. Икки мамлакат ўртасида иқтисодий соҳадаги муносабатлар алоҳида тарихга эга. Бу, жумладан, давлатлараро ўзаро англашувни чуқурлаштиришда муҳим роль ўйнаган кўп сонли корейс диаспорасининг Ўзбекистонда истикомат қилиши билан ҳам боғлиқ.

Ўзбекистон мустикаллингнинг дастлабки йилларида Жанубий Корёянинг “Daewoo” компанияси томонидан автомобилсозлик саноатини ривожлантириш ва Андижон шаҳрида завод барпо этишга сармоа киритилиши республика ишлаб чиқариш салоҳиятининг кенгайтишига хизмат қилди. Айни пайтда икки давлат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик саноатни рақамлаштириш, инновациялар ва экология тоза технологиялар каби илгор йўналишларда амалий алоқалар даражасига кўтарилган.

Расмий Сеул Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига киришини қўллаб-қувватламоқда, бу икки давлат ўртасида иқтисодий ва саноат сиёсати соҳасида тажриба алмашиш нуктаи

назарида ҳамкорлик қилиш учун катта имкониятлар эшигини очди.

Музокаралар кун тартибидagi яна бир муҳим масала — икки давлатнинг дипломатия соҳасидаги ўзаро ҳамкорлигидир. Президент Мун Чжэ Ин ядросизланишга эришиш йўлида саъй-ҳаракатлар қилмоқда. Корёя яриморолдига вазият халқаро ҳамжамият тинчлиги ва барқарорлиги учун муҳим роль ўйнагани сабабли Ўзбекистоннинг Жанубий Корёянинг бу йўналишдаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаши алоҳида аҳамиятга эга.

Илгар Велизаде, эксперт, “Жанубий Кавказ” сиёсатшунослар клуби раҳбари (Озарбайжон):




— Ўзбекистон Республикаси Президентининг Жанубий Корёяга давлат ташрифи икки мамлакат ўртасида муваффақиятли амалга оширилаётган стратегик шериклик йўналиши изчил давом этаётганини тасдиқлайди. Ўзбекистон ва Жанубий Корёя ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми сўнгги тўрт йилда, ҳатто пандемия давридаги қисқаришни ҳисобга олган вазиятда ҳам икки баробарга ошганини таъкидлаш қифоя. Агар 2016 йилда бу кўрсаткич 1,07 миллиард долларни ташкил этган бўлса, 2019 йилда у 2,76 миллиард доллар, 2020 йилда эса 2,15 миллиард долларга тенг бўлди.

Жанубий Корёянинг Ўзбекистон иқтисодиётига киритган сармоялари ҳажми 7 миллиард доллардан зиёдни ташкил этмоқда. Бироқ томонлар буну ўз имкониятлари чегараси деб ҳисобламайди.

Айни пайтда мамлакатлар ўртасида эркин савдо шартномасини имзолашга фаол тайёргарлик қўрилмоқда. Мазкур келишув икки давлатнинг келгуси йиллардаги инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда янги имкониятлар эшигини очди.

Пармжит Сингх, Осиё-Тинч океани технологиялар ва инновациялар университети раиси (Малайзия):



— Ўзбекистон Республикаси ва Корёя Республикаси Президентлари ўртасидаги дўстлик муносабатлари ўзаро манфаатдорлик ва алоҳида стратегик шерикликка асосланган юқори даражадаги давлатлараро мулоқотни таъминламоқда.

Шуниси эътиборга молики, Президент Мун Чжэ Ин 2021 йилда халқаро майдондаги биринчи мулоқотини Президент Шавкат Мирзиёев билан бошлаган эди, жорий йил якунидаги расмий учрашувларнинг бири ҳам Ўзбекистон раҳбари билан бўлиб ўтди. Бу эса Ўзбекистон — Жанубий Корёя муносабатлари нақадар юксак даражада эканини яна бир бор намойён этди.

Жанубий Корёя — юқори даражада ривожланган мамлакат. Шу боис Ўзбекистон Президентининг мамлакат инсон капитали ва табиий бойликларини Корёя Республикасининг илгор технологиялари ва билимлари билан бирлаштириш орқали жаҳон бозорида харидоригр махсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун яхши замин яратиш мумкин, деган фикрига қўшилиман. Тошкентнинг Ўзбекистонда яримуътақазгичлар ва электроника ишлаб чиқариш бўйича қўшма кластерни яратиш таклифи ўз вақтида илгари сурилди ва жуда долзарбдир.

Бундан ташқари, мамлакатлар таълим соҳасидаги алоқаларни кенгайтириш бўйича улкан истиқболга эга. Ўзбекистон Жанубий Корёялик ҳамкорларнинг энг яхши амалиёти ва билимлари асосида мактабгача таълим тизимини тубдан ислоҳ қилаётганидан хабардоримиз. Бу соҳадаги ҳамкорлик мактаб ва олий таълим тармоқларида ҳам давом этади.

Олий даражадаги ташриф яқунлари Ўзбекистон ва Жанубий Корёя ўртасидаги ҳамкорликка янги суръат бериш учун мустаҳкам замин яратишига ишончим комил.

Фернандо Морагон, Евроосиёни ўрганиш маркази раҳбари, Ўзбекистон — Испания муносабатларини ривожлантириш ассоциацияси раҳбари:



— Икки давлат раҳбарларининг ташриф доирасидаги учрашув ва музокаралари мамлакатлараро кўп қиррали ва стратегик муносабатларни янада ривожлантириш, шунингдек, истиқболли устувор йўналишларни белгилаш ва жадал ривожланаётган шериклики янги амалий мазмун билан бойитиш жараёни учун муҳим босқич бўлди.

Ўзбекистон Жанубий Корёянинг Марказий Осиёдаги етакчи ташқи савдо ҳамкорларидан биридир. Шу билан бирга, Жанубий Корёя Хитой, Россия ва Туркия қаторида Ўзбекистоннинг тўртта асосий ташқи савдо ҳамкорларидан бири ҳисобланади.

Ташриф давомида эришилган келишувлар ва имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси билан Корёя Республикаси ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада изчил ривожлантириш, икки мамлакат ва халқлар фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Ўзбекистон ва Жанубий Корёяни аънавий дўстлик, ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва стратегик шериклик муносабатлари мустаҳкам боғлаб туради. Жанубий Корёя Ўзбекистонда саноат ва инфратузилмани диверсификация қилиш, модернизация қилиш бўйича устувор дастурларни амалга оширишда етакчи сармоявий ва технология ҳамкор ҳисобланади. Ўзбекистон иқтисодиётининг турли тармоқларида Жанубий Корёянинг етакчи банк ва компаниялари иштирокида ўнлаб йирик лойиҳалар амалга оширилган ва амалга оширилмоқда.

«Дунё» АА.

ЎЗБЕКИСТОН ВА КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ҲАМКОРЛИГИНИНГ ИСТИҚБОЛИ ПОРЛОҚ

Корёя Республикаси — Ўзбекистоннинг ишончли шериги, дунёнинг жадал ривожланаётган давлатларидан бири. Хар икки давлатнинг ҳамкорлик муносабатлари самимий ва конструктив руҳда тараққий этиб бормоқда.

Ўзбекистон қадимий ва бой тарихга эга, Буюк Ипак йўлининг марказида жойлашган мамлакат. Жанубий Корёя раҳбарияти Ўзбекистонни республиканинг савдо ва инвестициявий алоқаларни фаоллаштиришга қаратилган “Янги шимолий сиёсат”ида муҳим ўрин тутувчи ҳамкор, деб билади. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йилда илк бор Сеулга ташрифи чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклики чуқурлаштиришга эришилганди. 2019 йил Корёя Республикаси раҳбари Мун Чжэ Иннинг Ўзбекистонга ташрифи чоғида у алоҳида стратегик даражага кўтарилди.

Нуктаи назар

Кейинги йилларда ўзаро манфаатли йўналишларни топиш, “соатларни солиштириб олиш” мақсадида сиёсий мулоқот ва маслаҳатлашувларни фаол давом эттириш бўйича яқдил позиция шакланган. Айниқса, Жанубий Корёя Ўзбекистоннинг минтақада яхши қўшничилик муқотиши мустаҳкамлаш, Орол фожиаси оқибатларини камайтириш, Афғонистонда тинчлик жараёнига қўмқлаштиришга қаратилган амалий саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлапти. Ўзбекистон Корёя Республикасининг Корёя яриморолда ҳам-жўхатликини мустаҳкамлашга йўналтирилган тинчликсевар сиёсатини маъқуллайди.

Давлатларимиз раҳбарларининг учрашувлари ҳам мунотазамлик касб этган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев шу йилнинг 28 январь куни Корёя Республикаси Президенти Мун Чжэ Ин билан видеоконфурмансдаги учрашув ўтказди. Мамлакатимиз раҳбари Корёя Республикаси Президентининг тақлифига биноан 2020 йил 30 октябрь куни Сеул шаҳрида видеоконфурмансда ўтган Шимолий иқтисодий ҳамкорлик иккинчи халқаро форумида иштирок этди ва нукт сўзлади.

Жанубий Корёя томони Ўзбекистонда иқтисодиётни либераллаштириш ва инвестиция қилишни яхшилаш бўйича амалга оширилаётган ислохотларни олқишлайди. Бу мамлакатимизга инвестициялар ва юқори технологиялар келишини қўллайди, қўлимча қийматли махсулотлар ишлаб чиқариш, доимий иш ўринлари яратишга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон энергетика, нефть-газ, қимм, қончилик, транспорт ва логистика соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш, машинасозлик, электр техникаси, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати, инфратузилмани ривожлантириш бўйича истиқболли лойиҳаларни амалга оширишдан манфаатдор. Жанубий Корёя компаниялари мамлакатимизда ўзларини эркин ва қулай ҳис қилиши учун хар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

Муносабатларда иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари, мамлакатимиздаги эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарида қорхоналар ташкил этиш, “электрон ҳукумат”ни ривожлантириш, инновацион ва ижтимоий соҳалар бўйича кадрлар тайёрлашни давом эттириш масалалари марказий ўринни эгаллайди. Гуманитар соҳа Ўзбекистон ва Жанубий Корёя алоқаларининг яна бир муҳим, комплекс йўналишидир. Бугунги кунда ахборот технологиялари, рақамли тиббиёт, таълим, маданият соҳаларида самарали ҳам-

да Ўзбекистон — Корёя халқаро университетини ташкил этиш бўйича лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилган, улар доирасида мингга яқин янги иш ўринлари яратилган ҳам диққатга сазовор.

Қиймати 130 миллион доллардан зиёд бўлган кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази Корёя Республикаси лўмағида, “Баум” корпорацияси лўмағида асосида барпо этилди. Бу — юқори технологиялар асосида хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилган Марказий Осиёдаги ягона болалар тиббиёт муассасасидир. Бу ерда йилга 1,5 мингдан зиёд ноёб жароҳлик амалиётларини бажариш имконияти мавжуд. Тўрт қаватли даволаш корпуси 280 ўринга эга, поликлиникада кунига 250 нафаргача бемор қабул қилинади. Марказ магнит резонанс томографи, мултиспирал компьютер томографи, ДНК анализатори ҳамда онкологик касалликларни бир неча йил олдин аниқлайдиган замонавий технологиялар билан жиҳозланган. Бу ерда фаолият юритиш учун 100 дан зиёд врач ва ҳамширалар Жанубий Корёяда малака ошириб қайтди. Жароҳлик амалиёти уқуналарига махсус камера ўрнатилган бўлиб, бошқа шифокорлар ва олий таълим муассасалари операцияларни онлайн тарзда қузатиб бориши мумкин. За-



роника муҳандислиги, архитектура муҳандислиги, компьютер муҳандислиги, энергетика ва қимм муҳандислиги бўйича малакали мутахассислар тайёрланади.

Корёя Республикаси Президенти Мун Чжэ Иннинг 2019 йил апрель ойида Ўзбекистонга амалга оширган ташрифи чоғида Корёя маданияти ва санъати уйи очилган эди. Пойтахтимиз кўрқига кўрк қўшиб турган ушбу мухташам иншоот қиёфасида замонавий архитектура ютуқлари ва аънавий корёя маданияти уйғунлашган. Бу маскан халқларимизнинг мустаҳкам дўстлиги ва мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар юқори босқичга чиққанининг ёрқин тасдиғидир.

Маълумки, 1937 йилда Узоқ Шарқдан ўн минглаб корейслар мамлакатимизга кўчирилган. Уш пайтдаги қийинчиликларга қарамай, ўзбек халқи уларни очик қалб билан қабул қилган, уларга бошпана бериб, меҳр кўрсатган. Ўзининг меҳнатсеварлиги ва қатъий иродаси, халқларимизнинг менталитети ўхшашлиги туфайли корейслар юртимизда иккинчи Ватанини топти. Улар Ўзбекистоннинг тенг ҳуқуқли фуқаросига, жамиятимизнинг фаол аъзоларига айланди. Бугунги кунда мамлакатимизда 180 мингдан зиёд корейс миллатига мансуб юртдошларимиз яшайди. Уларнинг уч юзга яқини давлатимизнинг юксак муқофотлари билан тақдирланган. Барча миллат ва элат вакиллари қатори корейс юртдошларимиз учун ҳам ўз миллий маданияти, тили, урф-одат ва аънавларини асраб-авайлаш учун зарур шароит яратилган.

Ўзбекистон ўз олдиға кучли демократик, илгор ривожланган давлатлар сифидан мустаҳкам ўрин эгаллашни мақсад қилган. Дунёнинг ри-

вожланган 50 мамлакати қаторига кириш — бош вазифа. Бу борадаги ислохотлар эса халқимизга муносиб шароит яратиб бериш мақсадида амалга ошириляпти. Бунда Жанубий Корёянинг тажрибасидан фойдаланиш мақсада мувофиқ. Унинг “электрон ҳукумат”, хавфсиз ва “ақли шаҳар” яратиш, олий таълим, мактабгача таълим соҳаларидаги ютуқлари бекиёс.

Қўпчиликка яхши маълум, коррупция иллатига қарши курашда, унга барҳам беришда рақамлаштириш зарурияти янада ошди. Бу, ўз навбатида, жуда кўп ресурсларни талаб қилади. Шундай экан, ҳозирдан рақамли иқтисодиётга ўтиш муҳим ва зифага айланди. Бу соҳада ҳам Жанубий Корёя тажрибасидан ибрат олсак арзийди. Рақамли иқтисодиёт инсонларсиз бошқарув тизимини йўлга қўйиш орқали коррупцияни қамайтиради, солиқ тушулларини “ақли” шартномалар тузиш орқали қўлайтиради, бюджет харажатларининг очикчилигини оширади, ягона электрон платформа орқали давлат хизматларини кўрсатиш имкониятини беради. Ҳозирги кунда бу истилоҳни бутун дунёдаги сиёсатчилар, иқтисодчилар, журналистлар, тадбиркорлар — деярли барча қўлламоқда. 2016 йилда Жаҳон банк дунёдаги рақамли иқтисодиётнинг аҳоли ҳақида илк марта “Рақамли дивидендлар” номли маъруза эълон қилди. Рақамли иқтисодиётнинг янги концепцияси инсон фаолияти доирасидаги барча информацияни рақамлаштириш технологияларини қўллаб сақлаш, ишлов бериш ва узатишнинг ягона тизимидир. Иқтисодиётни рақамлаштириш орқали ижодий ёндашиб янги иқтисодиётни барпо этиш имконияти туғилди. Иқтисодиётни рақамлаштириш келажакда реал рақобатбардошликни узоқ муддатга сақлаб қолиш имкониятидир. Айниқса, қўруқлик билан ўралган ва жаҳон портларига чиқиб йўли узоқ бўлган Ўзбекистондек давлат учун бу муҳим масала.

Жанубий Корёя нафақат “электрон ҳукумат”ни жорий қилиш соҳасида, балки “ақли шаҳар” йўналишида ҳам етакчи ҳисобланади. “Ақли шаҳар”да рақамлар билан ишлаш жуда муҳим. Шунинг учун ҳам транспорт соҳасини рақамлаштириш, шунингдек, тиббиёт ва таълим соҳаларидаги маълумотлар электрон шаклда бўлиши керак.

Жаннолат КУДЕЙБЕРГЕНОВ, Тошкент шаҳридаги Ёджу техника институти ректори.

Хулоса ўрнида айтганда, Ўзбекистон ва Жанубий Корёя ҳамкорлигининг истиқболи порлоқ, Муносабатларда самимий ва дўстона муносабатлар келажакда улкан лойиҳаларни амалга оширишга ҳамда мамлакатларимизнинг ўзаро фаровонлигига хизмат қилиши, шубҳасиз.

Мулоқот

АҚШ МЕХНАТ ВАЗИРИ ЎРИНБОСАРИ ЮҚОРИ БАҲО БЕРДИ

Кеча Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси Раиси Т. Норбеева раҳбарлигидаги Ўзбекистон делегациясининг Америка Қўшма Штатлари меҳнат вазири ўринбосари Т. Ли бошчилигидаги АҚШ делегацияси билан видеоконференцалоқа орқали учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда дастлаб АҚШ томони мамлакатимизда одам савдосига ҳамда мажбурий меҳнатга қарши курашиш йўналишидаги саъй-ҳаракатлар, хусусан, миллий қонун-чилигимизни халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш, ҳодимларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш, шу билан бирга, бу борада халқаро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар билан яқиндан таништирилди.

Тадбирда АҚШ меҳнат вазирининг ўринбосари Ўзбекистонда мажбурий меҳнатга қарши курашиш, унинг салбий оқибатларининг олдини олиш бўйича Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси томонидан олиб борилаётган ишларга юқори баҳо берди. Ўз навбатида, у бу борадаги икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш муҳимлигини алоҳида таъкидлади.

Шунингдек, мулоқот давомида мажбурий меҳнатга қарши курашишда Ўзбекистон — Америка ҳамкорлигини янада ривожлантиришни истикболларни кенг муҳокама қилинди ва кўп тартибидagi долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

АҚШ Меҳнат вазирлиги мутахассислари томонидан Ўзбекистонда фуқаролар меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш, мажбурий меҳнатнинг ҳар қандай кўринишларига барҳам

бериш борасидаги интилишлар эътироф этилди. Таъкидланганидек, охириги йилларда томонларнинг ўзаро ҳамкорлиги доирасида вояга етмаганлардан турли гаразли мақсадда фойдаланиш, уларни гайриқонуний жамоат бирлашмалари фаолиятида қатнашишга ундашга оид ҳолатлар учун жиноий жавобгарлиқнинг қучайтирилганлиги мамлакатда бола ҳуқуқларини таъминлаш борасида қўйилган муҳим қадамлардан бири бўлди.

Мулоқотда АҚШ Меҳнат вазирлиги томонидан шу йилда эълон қилинган “Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари” тўғрисида”ги йиллик ҳисоботда Ўзбекистон эътибор қаратиши лозим бўлган масалалар юзасидан билдирилган тавсиялар ҳар тарафлама кўрилиб, махсус “Йўл харитаси” ишлаб чиқилгани қайд этилди.

Шунингдек, иштирокчилар томонидан мажбурий меҳнатга ва болалар меҳнатига қарши курашиш билан боғлиқ ҳамкорлик истиқболлари, жорий йилги пахта ййим-тери-ми мавсумида ўтказилган мониторинг натижалари ва мавсуда алоқадор бошқа масалалар чуқур таҳлил қилинди.

Яқунда ушбу йўналишда ўзаро алоқаларни давом эттириш ҳамда икки томонлама қўшма лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан келишувга эришилди.

СЕНАТОРЛАР ЖУРНАЛИСТЛАРИНГ САВОЛЛАРИГА АТРОФЛИЧА ЖАВОБ ҚАЙТАРДИ

Президент Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Олий Мажлис Сенатининг ййигрма иккинчи ялпи мажлиси яқунларига бағишланган навбатдаги матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Матбуот анжумани

Тадбирда Сенатнинг Ахборот сиёсати ва давлат органлари очикчилигини таъминлаш масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Фарҳод Боқиев ялпи мажлис яқунлари юзасидан ахборот берди.

Қайд этилганидек, мажлис “Ўзбекистон” ва “ЎзРепорт” телеканаллари ҳамда Сенатнинг “YouTube”даги расмий саҳифаси орқали тўғридан-тўғри эфирга узатилди.

Ялпи мажлисда 16 та қонун ва бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Матбуот анжумани иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволлар билан сенаторларга мурожаат қилди.

Жумладан, “Kun.uz” интернет нашри мухбири Муҳибри Илёс Сафаров томонидан бугунги кунда ижтимоий тармоқларда кенг муҳокама қилинаётган “Қўйлик” деҳқон бозорининг қўчирилиши ҳамда Гафур Фулом номидagi истироҳат боғи билан боғлиқ ҳолат юзасидан берилган саволга Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Толибхон Мадумаров жавоб берди.

— Кузатиб борган бўлсангиз, ялпи мажлис жараёнида шаҳар ҳокимиға айнан шу савол билан мурожаат қилдик, — деди сенатор. — Унда Гафур Фулом номидagi истироҳат боғи билан боғлиқ фикрларимизни ва тавсияларимизни бердик. Яъни биринчи ўринда, аҳоли яхши дам олиши учун мавжуд қулайликларни сақлаб қолиш масаласи қўйилди. Бунин Сенат қарорига киритялмиз. “Қўйлик” деҳқон бозори билан боғлиқ масалаларни эса жойига чиққан ҳолда ўргандик. Бозорни қўчириш бўйича шаҳар ҳокими қарори чиқмаган, бу ҳақда ҳеч қанақа гап-сўз йўқ.

Мазкур масала юзасидан қўшимча қилган Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Бахтиёр Сайфуллаев бу бўйича ўрга-

ниш олиб борилишини, Сенат қарорига киритилганини, шунингдек, бошқа истироҳат боғларида ҳам ўрганиш ўтказилишини ҳамда натижаси Тошкент шаҳар Кенгаши сессиясида муҳокама қилинишини таъкидлади.

“Kun.uz” интернет нашри мухбири Айдар-Арнасов, Сангзор ва Зарафшон дарёлари билан боғлиқ саволга Сенатнинг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси Баҳодир Тоғиев ҳамда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари қўмитаси раиси Борий Алихонов жавоб берди.

Бундан ташқари, “rost24.uz” сайтининг бош муҳаррири Анаора Содиқованиннг гендер тенглик масалалари бўйича олиб борилаётган ишлар, хусусан, хотин-қизларнинг хусусий сектордаги меҳнат муҳофазаси юзасидан берган саволга Сенатнинг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси Малика Қодирхонова ҳамда Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси раиси Эркин Гадовев асосли жавоб қайтарди.

Жумладан, М. Қодирхонова хотин-қизларнинг хусусий сектордаги меҳнат муҳофазасини ўрганиш бўйича ишчи гуруҳ тузилиб, фаолият олиб борилаётгани, хусусан, Сенатнинг ййигрма биринчи ялпи мажлисида тегишли парламент сўрови юборилганлигига ургу берди.

Шунингдек, “Biznesdaily” нашри, “Ўзбекистон” телеканали ҳамда “Togri.uz” интернет нашри ва бошқа ОАВ вакилларининг ялпи мажлисда маъқуланган қонунлар ва бошқа масалалар юзасидан берган барча саволларига сенаторлар томонидан атрафлича жавоблар қайтарилди.

Олий Мажлис Сенати Ахборот хизмати.

19,4 млрд. сўмлик
20 та лойиҳа
Молиялаштирилди

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси томонидан БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларида белгиланган устувор вазифалар, хусусан, Глобал шериклик доирасида амалга ошириш воситаларини мустаҳкамлаш ва сайъ-ҳаракатларни фаоллаштириш борасида амалга оширилган ишлар юзасидан эшитув ўтказилди.

Қўмита эшитуви

Унда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш ҳамда Молия вазирликларининг ахборотлари эшитилди.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ахборотида кўра, ўтган вақт мобайнида вазирлик томонидан соҳада белгилаб берилган вазифаларнинг ижроси юзасидан қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, ижтимоий-иқтисодий дастурларнинг талаб қилинадиган даражасини таъминлаш учун ички ва ташқи манбалар ресурсларининг сафарбар этилишини кучайтириш борасида 2020 йил октябрдан 2021 йил февралга қадар Халқаро валюта жамғармаси экспертлари томонидан Ўзбекистон Республикасида Давлат инвестицияларини бошқариш тизимини баҳолаш ўтказилди.

Фан, техника ва инновация соҳаларида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, тузилмалар ислохотларини кучайтириш мақсади йўлида ўзаро билим алмашинувици рағбатлантириш борасида 2021 йил январь — ноябрь ойлари мобайнида илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида умумий қиймати 871,1 млрд. сўм бўлган 659 та лойиҳанинг бажарилиши таъминланди. Жорий йил 1 декабрь ҳолатига кўра, умумий қиймати 602,6 млрд. сўм бўлган 407 та лойиҳа молиялаштирилган ва бажарилиши таъминланмоқда.

Шу билан бирга, умумий қиймати 6,9 млрд. сўмлик 25 та (“Ўзбекистон — Беларусь”, “Ўзбекистон — Германия” ва “Ўзбекистон — Туркия”) халқаро қўшма лойиҳанинг бажарилиши мувофиқлаштирилди. Туркия, Хитой ва Ҳиндистон давлатлари билан қўшма лойиҳаларга танловлар эълон қилинди. “Ўзбекистон — Туркия” халқаро қўшма илмий лойиҳалар танловига тақдим этилган 39 та лойиҳадан ҳамкорликдаги экспертиза натижаларига кўра, ҳар икки томондан икхобий хулоса олинган умумий қиймати 3,8 млрд. сўм миқдоридagi 4 та лойиҳа, “Ўзбекистон — Хитой” халқаро қўшма илмий лойиҳалар танловига тақдим этилган 61 та лойиҳадан ҳамкорликдаги экспертиза натижаларига кўра, умумий қиймати 19,4 млрд. сўм миқдоридagi 20 та лойиҳа молиялаштирилди.

Молия вазирлиги ахборотида кўра Барқарор ривожланиш мақсадларини изчил амалга ошириш борасида тизимли ишлар бажарилди. Жумладан, давлат қарзини барқарор даражада ушлаб туриш бўйича халқаро экспертлар кўмагида “Давлат қарзи тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Давлат қарзини бошқариш ва молиявий таҳлил тизимида (DMFAS-6 дастурий мажмуаси) давлат ташқи қарзи тўғрисидаги маълумотлар автоматлаштирилди.

Шу билан бирга, давлат қарзи статистикаси шаффофлигини ошириш мақсадида унинг ҳолати ва динамикасининг чораклик шарҳини (Ўзбек ва инглиз тилларида) ва хорижий инвесторлар учун махсус ойлик ахборотномани (инглиз тилида) Молия вазирлигининг расмий веб-сайтида эълон қилиш ва хорижий инвесторларга юбориш амалиёти жорий қилинди.

Бугунги кун ҳолатига кўра, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 11 августдаги қарорига мувофиқ 2021 йил учун белгиланган жами 200 млрд. сўм маблағлардан 34,2 млрд. сўмлик манзилли рўйхат тасдиқланган. Мазкур манзилли рўйхат бўйича 1,57 млрд. сўм миқдоридagi маблағлар “Тошкент вилояти Куйи Чирчиқ туманида жойлашган ирригация ва мелiorация тармоқларини бошқарувга бериш ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш” лойиҳасига йўналтирилган.

Бундан ташқари, 1,6 млрд. сўм миқдоридagi маблағлар Халқаро молия корпорациясининг маснафати кўмагида Халқ таълими ва Молия вазирликлари, Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги иштирокида амалга оширилаётган “Давлат-хусусий шериклик тамойили асосида 15 тагача умумтаълим мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш” лойиҳасига йўналтирилган.

Муҳокамалар жараёнида масъул вазирликлар билан бу борада амалга оширилаётган ишлар атрофлича таҳлил этилди.

Таҳлилий ва танқидий руҳда ўтган йиғилиш якунида тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).

АЙРИМ ТАДБИРЛАР ЎЗ МУДДАТИДА
АМАЛГА ОШИРИЛМАГАНИ ТАНҚИД ҚИЛИНДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари ҳамда Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмиталари ҳамкорлигида кенгайтирилган йиғилиш ўтказилди.

Парламент назорати

Унда Президентимизнинг 2020 йил 22 июндаги “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси ва уни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”да белгилаб берилган тегишли бандларнинг ижроси юзасидан Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг ахбороти эшитилди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда миллий қонунчиликни инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқий стандартлар билан уйғунлаштириш бўйича амалий чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Хусусан, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси қабул қилиниши ҳамда уни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”да барча соҳалар каби атроф-муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни ҳамда тоза ичимлик сувида фойдаланиш им-

кониятини барча учун таъминлаш масалалари долзарб масала сифатида киритилган. Ушбу “Йўл харитаси”нинг ижроси таъминланиши борасида парламент назоратини юритиш эса, ўз навбатида, белгиланган тадбирларни муддатиди самарали амалга ошириш имконини беради.

“Йўл харитаси”да давлат экология қўмитаси 3 та ҳамда Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги 4 та бандга масъул этиб белгиланган бўлиб, улар томонидан мазкур тадбирларни амалга ошириш юзасидан тизимли ишлар олиб борилган.

Хусусан, давлат экология қўмитаси томонидан ишлаб чиқариш корхоналарида олиб борилган тизимли назорат ишлари натижасида кунига 3, 5 минг тоннадан ортқ хамда транспорт воситаларидан 102 тонна ифлослантирувчи мод-

далар ташланишининг олди олинган. Худудларни санитар тозалаш хизматлари билан қамраб олиш даражаси 90 фоизга етказилган, 24 та чиқинди полигонларининг фаолияти тугатилиб, рекултивация қилинган.

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан ичимлик суви таъминоти ва оқова сув объектилари борасидаги муносабатларни тартибга солишининг таъминли-хуқуқий асослари ишлаб чиқилган. Бугунги кунда вазирлик томонидан тақдим этилган Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси лойиҳаси Қонунчилик палатасида кўриб чиқилмоқда. Ўз таркибидида худудий сув таъминоти корхоналарини бирлаштирган “Ўзсувтаъминот” акциядорлик жамияти ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва қарор-

ларида белгиланган дастурлар ҳамда манзилли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида бугунги кунда аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминланиш даражаси 73 фоизга етказилди. Вазирлик томонидан “Ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимини 2035 йилгача ривожлантириш концепцияси” лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.

Йиғилишда белгиланган вазифаларнинг ижроси борасида мазкур давлат органлари томонидан айрим тадбирлар ўз муддатидида амалга оширилмагани эътирозларга сабаб бўлди. Депутатлар мазкур масалаларни ўз вақтида самарали бажариш бўйича таклифлар билдирди.

Ушбу таклиф ва тавсиялар асосида қўмиталарнинг тегишли қўшма қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».



ТОМОРҚАДАН УМУМЛИ ФОЙДАЛАНГАНЛАРГА
НАВБАТДАГИ ИМТИЁЗ

Кейинги йилларда деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш бўйича амалга оширилган ислохотлар натижасида қишлоқ ҳўжалиги махсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ошди. Меҳнаткаш халқимиз қишлоқ ҳўжалиги махсулотларини бугун ўзининг томорқасида етиштирмоқда. Айниқса, аҳоли томонидан хонадонларда барпо этилган иссиқхоналарда турли сабзавот махсулотлари, цитрус мевалар етиштириш, парранда ва чорва парвариш қилиш одат тусига кирди. Қолаверса, бугун томорқа нафақат экин экиладиган ер, балки кичик тадбиркорлиkning бошқа кўринишларини юзага чиқарувчи майдон сифатида намён бўлмоқда.

Акс садо

Президентимизнинг куни кеча эълон қилинган “Томорқадан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, шунингдек, аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, айтиш жоизки, бундай ишларни ривожлантириш учун айни мудоао бўлди. Нимага? Чунки унда томорқачиликка доир илгари амалиётда кузатилмаган бир қанча вазифалар белгилаб берилди.

Хусусан, унга биноан, Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармасига томорқадда махсулот етиштиришни қўллаб-қувватлаш мақсадида Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан миллий валютада 100 миллион АҚШ доллар миқдоридagi қарз маблағлари 4 йиллик имтиёзли давр билан 9 йил муддатга йўналтирилмоқда. Ушбу маблағлар томорқачилик лойиҳаларини кредитлаш учун тижорат банкларига ресурс сифатида берилади. Яъни 2022 йилда

аҳоли хонадонларига 11 миллион бош парранда, 408 минг бош қуён, 215 минг асалари уяси, 332 минг қўй ва эчки етказиб берилади. Кичик интенсиб боғдорчилик, лимончилик ва узумчилик учун йиллик имтиёзли давр билан етти йилга, полиз, дуқакли, мойли экинлар, картошка етиштириш ва сабзавотчилик учун икки йилга, кооперация асосида фаолиятни йўлга қўйган “Томорқа хизмати” МЧЖ ва бошқа тадбиркорлик субъектларига айланма маблағ ўн саккиз ойга кредит ажратилади. Эътиборлики, кредитларнинг барчаси Марказий банк қайта молиялаш ставкасида — 14 фоизда ҳамда маълум муддатли имтиёзли даврга эга. Бу, томорқадан унумли фойдаланаман, деган киши учун катта имконият, албатта.

Бундан ташқари, қарорда Жамғарманиз томонидан 2026 йилга қадар аҳоли томорқаларига бириктирилган кооперацияларга омборхоналарни жиҳозлаш, қуриштиш, саралаш ва қадоклаш ускуналарини харид қилиш харажатларининг 30 фоизи, бироқ 150 миллион сўмдан ортқ бўлмаган қисми, сув таъминоти огир томорқа ерлари ва фойдаланишдан чиққан майдонларда сув чиқариш воситаларини сотиб олиш ва ўрнатиш харажатларининг бир қисми қўллаб бериладиган бўлди. Қудуқ бурғилаш учун битта хонадонга 13,5 миллион сўмдан, 30 та аҳоли томорқасига 120 миллион сўмдан ошмаган миқдорда субсидия тақдим этилади.

Хар бир туманда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан амалдаги мавжуд штатлар доирасида хонадонларда паррандачиликни йўлга қўйиш бўйича доимий лойиҳа офиси ташкил этилади. Фермер ҳўжаликларида бухгалтерия хисоб ва ҳисоботини юритиш марказларида мавжуд штат бирликлари доирасида томорқадан самарали фойдаланиш бўйича агроном лавозими жорий этилмоқда.

Хонадонбай ишлаш асосида томорқа ҳўжаликлари “Бир маҳалла — бир махсулот” тамойили асосида махсулот етиштиришга ихтисослаштирилади. Шу-нингдек, таъминотчи ва махсулотларни кафолатли сотиб олувчи корхоналар рўйхатини шакллантирган ҳолда, жойларда “мобиль тарқатиш ва махсулотларни йиғиб олиш хизматлари” фаолиятини йўлга қўйилади. Ҳоким ёрдамчилари уйма-уй юриш орқали томорқа ер эгаларининг ерларидан мақсадли ва самарали фойдаланилишини, жумладан, ерни тайёрлаш, уруғ, қучат ва дарахтлар экиш, иссиқхоналар қуриш, чорва ва паррандаларни кўпайтириш ҳолатини мунтазам равишда мониторинг қилиб боради.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз бўйича 5,5 миллион томорқа эгалари ихтиёрида 502 минг гектар экин ери мавжуд бўлса, қарорда қайд этилган вазифалар ижроси туфайли 200 минг нафар ишсиз фуқаро фойдали меҳнатга жалб этилади. Айни чоғда қишлоқ ҳўжалиги махсулотларини етиштиришда томорқа ҳўжаликларининг улуши ошади, етиштириладиган махсулот ҳажми 30 фоизга кўпаяди.

Қисқача айтганда, бугун ер билан тиллашадиган инсон борки, меҳнатидан унум, самара топадиган замон. Эзгу ниятили одам давлатимиз томонидан моддий ва маънавий қўллаб-қувватланаётти. Бугунги ислохотларни, қолаверса, томорқа ҳам оила дастурхони тўкинлиги, ҳам қўшимча даромад манбаи эканини тўғри англаган ҳамюртларимиз ҳар қарч ердан бундан-да унумли фойдаланиши мақсадга мувофиқ. Бу, ўз навбатида, аҳоли бандлигини таъминлаш, оилалар даромадидан юксалтиришдек эзгу мақсадларга хизмат қилади.

Тўлқин САТТОРОВ,
Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ижрочи директори.

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Аввал хабар берилганидек, айни кунларда халқ депутатлари ўшдан ва шаҳар Кенгашиари сессиялари ўтказилиб, ҳокимлар ўз худудлари аҳолисига мурожаат йўлланмоқда. Бунда худудларни ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, истиқболдаги устувор вазифалар белгилаб олинаётти. Хар бир мурожаатда халқ фаровонлигини таъминлаш доимий эътиборда эканлиги баён этилаётгани, айниқса, диққатга сазовор.

Маҳаллий Кенгашларда

Тахтакўпри тумани ҳокими Жамбул Адилов мурожаатда 2021 йилда белгилаб олинган дастур ва “Йўл хариталари” асосида худуд ижтимоий-иқтисодий ривожланиш борасида амалга оширилган ишлар ва эришилган натижаларга атрофлича тўхтади. Хусусан, ҳисобот йили давомида саноат корхоналари томонидан 207,2 миллиард сўмлик махсулот ишлаб чиқарилиб, ўтган йилдагига нисбатан 102,3 фоизга, хизмат кўрсатиш соҳасида 127,7 фоизга ўсиш борилиги, йил якунида 1 миллион 154 минг долларлик инвестициялар жалб этилиши айтилди.

Мурожаатда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида худудни ривожлантириш ҳамда коммуникация ва ижтимоий инфра-тузилма объектлари қурилишига алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Сессияда 2022 йилда амалга оширилаётган устувор вазифалар ҳам таҳлил қилинди. Хусусан, ма-

ҳаллабай ишлаш тизимини ривожлантириш орқали аҳолининг ўзини ўзи иш билан таъминлаш даражасини ошириш, “темир дафтар”, “ёшлар дафтари”, “аёллар дафтари”га киритилган фуқаролар муаммоларини ҳал этишга алоҳида эътибор берилади.

Сессияда мурожаатда келтириб ўтилган коммуникация, йўл қурилиши, кам таъминлаган оилалар турмуш шароитини яхшилаш, жойларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, “Хар бир оила — тадбиркор” тамойили асосида ишлаб чиқариш ва оилавий бизнесни йўлга қўйиш борасидаги режалар ва бошқа масалалар депутатлар муҳокамасига қўйилди.

Ушбу масалалар муҳокамадан сўнг депутатлар томонидан овоз бериш йўли билан маъқулланди.

Жомбой тумани ҳокими Каюм Собиров 2021 йил ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ва

2022 йил учун белгиланган устувор йўналишлар юзасидан маҳаллий Кенгаш депутатлари, жамоатчилик ва аҳолига мурожаат йўллади.

Унда қайд этилганидек, туманда 2020 йилда 1 минг 320 та тадбиркорлик субъекти бўлган бўлса, жорий йилда уларнинг сони 2 мингдан ошди. Натижада ўтган йили “сарик худуд” ҳисобланган Жомбой тумани жорий йилда “яшил худуд” даражасига кўтарилди.

Иқтисодий кўрсаткичларда ҳам сезиларли ютуқларга эришилмоқда. Жумладан, саноатда 2 473,8 миллиард сўмлик махсулот ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати 104,3 фоизни ташкил этди.

“Темир дафтар”га киритилган 2 минг 350 та оиланинг меҳнатга лаёқатли 3 минг 721 нафар ишсиз аъзолари доимий иш ўринлари билан таъминланди. Асосийси, 2 миллиард 271 миллион сўмлик амалий ёрдам кўрсатилиши натижасида 2 минг 271 та оиланинг доимий даромад манбаи яратилиб, “темир дафтар” чиқарилиди.

Шу билан бирга, “ёшлар дафтари”га киритилган 3 минг 376 нафар ишсиз йигит-қизларнинг қарийб барчасининг бандлиги таъминланган.

2021 йилда амалга оширилиши белгиланган инвестиция дастури асосида 266 миллиард сўмлик 57 та лойиҳа амалга оширилиб,

659 та янги иш ўрни яратилиши режалаштирилган. Шундан бугунги кунгача 134,8 миллиард сўмлик 52 та лойиҳа ишга туширилди. Натижада, 388 та янги иш ўрни яратилди.

Келаси йилда туманда “Янги Ўзбекистон” массиви барпо этилиши ҳам кўзда тутилган. Унга кўра, Зарфашон маҳалласи худудидан 35 гектар ер майдони ажратилади. Бу ерда 4 та қўп қаватли уй-жой, 372 та савдо ва маъшиий хизмат кўрсатиш объектилари, мактаб, поликлиника, мактабгача таълим ташкилотли, спорт мажмуаси ҳамда истироҳат боғи қурилади.

Халқ депутатлари Чортоқ тумани Кенгаши сессиясида туман ҳокими Анваржон Отахўжаевнинг мурожаатида таъкидланишича, якунига етаётган йилда ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш бариберида, аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилган. Натижада саноат, қишлоқ ҳўжалиги, пудрат ишлари ва хизмат соҳасида ўтган йилнинг шу давридигига нисбатан 6 — 10 фоиз ўсишга эришилди.

Айни чоғда халқ таълими тизимида 10,7 миллиард, соғлиқни сақлаш маюссасаларига 66,5 миллиард, мактабгача таълим учун 14 миллиард, спортни ривожлантиришга

2,5 миллиард сўм маблағ йўналтирилиб, ижтимоий соҳа фаолиятини талаб даражасида ташкил этиш имкониятлари яратилди.

Йил бошидан бўён 514,7 миллиард сўм қийматдаги 125 та лойиҳа ижроси доирасида янги ишлаб чиқариш субъектларини ишга тушириш, технологияни янгиланиш, рақобатбардорш махсулотлар турини кўпайтириш тадбирлари амалга оширилиши билан 2 минг 283 киши учун доимий меҳнат ўрни юзага келди.

Тадбиркорлик ривожига хизмат қиладиган учта кичик саноат зонасини ишга тушириш ҳаракати жадал давом эттирилиб, уларга ҳаммаси бўлиб 126,7 миллиард сўмлик 79 та истиқболли лойиҳа жойлаштирилмоқда.

Шунингдек, сессияда 2022 йил учун белгилаб олинган устувор йўналишлар ҳақида кенг маълумот берилди.

Бундан ташқари, фуқаролар соғлигини асраш ва мустаҳкамлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли даромадларини ошириш, камбағалликни қисқартириш борасида амалга оширилиши режалаштирилган ишлар ҳақида батафсил тўхталиб ўтилди.

Сессияларда кун тартибидagi масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Қонун лойиҳаси — муҳокамада

Ер участкаларини жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш, олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган объектиларни бузиб ташлаш қўллаб-қувватлашга довлзарб муаммо ҳисобланади. Ушбу масалаларнинг лозим даражада ҳуқуқий тартибга солинмаслиги эса, ақсарият ҳолларда аҳоли орасида норозиликларга сабаб бўлади.

ЕР УЧАСТКАЛАРИНИ
ОЛИБ ҚЎЙИШ
МАСАЛАЛАРИ
ЯХЛИТ ҚОНУН
БИЛАН
ТАРТИБГА
СОЛИНАДИ

Ер участкаларини олиб қўйиш ва кўчмас мулк эгаларига компенсация беришининг янги тартиби тасдиқланишигача бўлган давр мобайнида Ўзбекистоннинг турли худудларида мамлакатнинг халқаро майдондаги нуфузига салбий таъсир этган соҳага оид низоли ҳолатлар қайд этилган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси томонидан ўтказилган ишчи гуруҳ йиғилиши “Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланди.

Депутатлар, экспертлар, олимлар, бир қатор вазирлик ва идоралар вакиллари иштирок этган тадбирда қонун лойиҳаси кизгин муҳокама қилиниб, уни маромига етказиш, пишмиқ-пухта ҳолатга келтириш бўйича муҳим таклифлар берилди.

Мазкур қонун лойиҳаси ер участкаларини жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши мумкин бўлган аниқ ҳолатларнинг

туғал рўйхати, компенсация берилишининг аниқ тартиби ва муддатлари бўйича янги қоидалар, компенсация берилганидан сўнг кўчмас мулк объектини олти ой мобайнида бушатиб қўйишга имконият берилиши, компенсация сифатида бошқа тураржой берилганда ижтимоий нормани ҳисоблаш қоидалари каби бир қатор янги нормалар ва меҳанизмлари ўз ичига олади.

Эътиборли томони, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши жамоат эҳтиёжлари учун компенсация эвазига ер участкаларини олиб қўйиш масалалари тўғридан-тўғри амал қиладиган яхлит қонун билан тартибга солинишига, низоли вазиятларнинг олди олиниши ва ушбу соҳадаги оилаларни самарали ҳал этишга хизмат қилади.

Йиғилишда ишчи гуруҳга экспертлар, олимлар томонидан берилган таклиф ва тавсиялар асосида қонун лойиҳасини маромига етказиш топширилди.

«Халқ сўзи».

ХУДУДЛАР РЕСПУБЛИКА
БЮДЖЕТИДАН ҚЎШИМЧА
МАБЛАҒЛАР БИЛАН
ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНАДИ

Ҳозирги ислохотларнинг ўзига хос жиҳатларидан бири шуки, унга кўра нафақат пойтахт ёки вилоятлар марказлари, балки туманлар, олис қишлоқ ва овуллар ҳам қамраб олинмоқда, қўллаб-қувватланмоқда. Буни қўшма кўра бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг йиғилиши иккинчи ялпи мажлисида сенаторлар томонидан бир овоздан маъқулланган “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгаришлар киритиш ҳақида”ги қонун мисолида ҳам кўришилиш мумкин.

Фикр

Барчамизга аёнки, илгари худудлар айнан республика бюджетини ҳисобидан бунчалик қўллаб-қувватланмасди, бугун вазият бутунлай ўзгарди. Бу эса ислохотларимизнинг кенг қамровли экани билан боғлиқ. Гап шундаки, жорий йилда қабул қилинган дастурлар ва қарорларда белгиланган устувор вазифаларнинг ижросини таъминлаш қўшимча маблағларини талаб этиши ўз-ўзидан тушунарли. Шундан келиб чиқиб, қонун билан ана шу сарможаларни ажратиб қўзда тутишмоқда.

Агар қонун тили билан айтсак, Давлат мақсадли жамғармалари даромадлари прогнози ва харажатлари, шунингдек, республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларин

Ифтихор

Шу кунларда Ўзбекистон маданияти учун улкан аҳамиятга молик воқеалик юз берди. Яъни 16 декабрь кунги ЮНЕСКОнинг Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича ҳукуматларга кўмитаси томонидан бахшичилик санъати Инсоният номоддий маданий мероси Репрезентатив рўйхатига киририлгани ҳақида хушxabар келди.

ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЙ МЕРОСИНING ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФИ



Бу эътироф, албатта, жаҳон ҳамжамиятининг бахшичилик санъатига кўрсатган юксак ҳурмати ва эътиборидан даролатдир.

Ушбу муҳим ва қувончли янгилик маданият арбоблари, устоз бахшилар ва иқтидорли ёшларимиз, фольклор санъатининг илосмандлари учун шубҳасиз, гурур ва ифтихор бахш этади. Шу муносабат билан Президентимиз бахшичилик санъати намоёндалари ва мухлисларига ўз табригини йўллади.

Дарҳақиқат, халқимизнинг юксак баъдий даҳоси билан яратилган ушбу ноёб санъатни асраб-авайлаш ва ривожлантириш бўйича мамлакатимизда салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, сўнгги йилларда қабул қилинган Президент Фармон ва қарорлари соҳа ривожига янги нафас, янги ҳаёт бахш этди. Жумладан, юртимизда ЮНЕСКО шафелигида ҳар икки йилда Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш яхши аънаъага айланди. 2019 йил апрель ойида Термиз шаҳрида ўтказилган биринчи ва жорий йил сентябрь ойида Нукус шаҳрида ташкил этилган иккинчи халқаро фестиваль минтақа ва дунё ҳамжамияти маданий доираларининг катта қизиқишига сабаб бўлди.

Давлатимиз раҳбари томонидан тенгсиз маънавий бойлигимиз бўлиши бахшичилик санъатига катта эътибор қаратилар экан, халқ ижодининг нодир намуналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, уни келгуси авлодларга безавол етказиш чоралари кўрилди. Шу мақсадда юртимизда Юнус Ражабий номидаги миллий мусика санъати институти ташкил этилиб, унда айнан бахшичилик санъати йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ўқув ишлари йўлга қўйилди. Мазкур олий таълим муассасасида булғини кунда Хоразм бахшичилик йўллари бўйича Ўзбекистон халқ бахшиси Отаҳон Матқўбев, “Шуҳрат” медали совриндори Расулбеқ Абдурахмонов, қорақалпоқ бахшичилик йўллари бўйича Рашид Уснатов, Зинатдин Нуратдинов, Сурхондарё бахшичилик йўллари бўйича Зафар Хайитов каби устозлар ёшларга сабоқ бермоқда. Ушбу институтда қадимий санъатимизнинг мазмун-моҳиятини ва заковатини ёшларга сингдириш мақсадида ижодий муҳит яратилган бўлиб, бахшичилик санъати ривожланган ҳудудлардан санъат усталарининг таширфи, маҳорат дарслари, ёшлар билан яқиндан суҳбат ва мунозаралар қуриши учун кенг шароит яратилган.

Шу билан бирга, ёш бахшилар пухта билим ва кўникмаларга эга бўлиши учун бошқа амалий ва назарий дарслар туркуми ҳам ўқитилмади, бу, ўз навбатида, бахшиларнинг кенг тафаккур ва дунёқарашга эга бўлишида муҳим аҳамиятга эга.

Ассосийси, мазкур олий таълим муассасасини татомлаган ёшлар келажақда ҳудудлардаги мусика ва санъат мактаблари, бахшичилик санъати марказларига йўлланма олиб, ўз фаолиятини йўлга қўйиш, ушбу соҳанинг ҳудудлардаги ривожланишига хизмат қилади.

Шунингдек, институтда булғини кунда қатор санъатшунос-тадқиқотчилар томонидан бахшичилик санъати бўйича илмий диссертациялар тайёрланмоқда. Мамлакатимизда самарали фаолият олиб бораётган 250 дан ортқ соҳа вакиллари орасида 25 нафарга яқини “Ўзбекистон халқ бахшиси” ва “Қорақалпоғистон халқ бахшиси” унвонлари, 1 нафари “Дўстлик” ордени, 11 нафари “Шуҳрат” медали, 7 нафари “Нихол” мукофоти, 2 нафари “Келажақ бунёдкори” медали билан тақдирланган.

Президентимизнинг бахшичилик санъати намоёндалари ва мухлисларига йўллаган табригида таъкидланганидек, бу ноёб маданий меросни асраш, ривожлантириш ва оммалаштириш, жумладан, бахшиларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун янги имкониятлар сафарбар қилинган.

Ойдин АБДУЛЛАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

АДИБ ИККИНЧИ УМРИНИ ЯШАМОҚДА

Президентимизнинг 2020 йил 2 декабрдаги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов таваллудининг 80 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланмоқда. Айниқса, бу сана адиб яшаган хонадонда ўзгача бир шуҳуқ, катта хурсандчилик ва шукроналик билан тантана қилиняпти. Халқ ёзувчисининг яқинлари, оила аъзолари қувончига шерик бўлиш, ижодкорни хотирлаш, юбилей тадбирларига тайёргарлик жараёнларини қузатиш мақсадида ушбу хонадонда меҳмон бўлди.

Шу аснода, адибнинг турмуш ўртоғи Ўлмасхон ая ҲОШИМОВА билан Ўткир Ҳошимов шахси, ҳаёт ва ижод йўли, руҳий-маънавий олами ҳақида суҳбатлашдик.

Ўткир Ҳошимов таваллудининг 80 йиллиги

— Адиб таваллудининг 80 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги қарор Президентимиз томонидан маданият, маърифат, адабиёт, санъат, илм-фан ахлига қўрсатилаётган эътибор, эъзоз, эҳтиром, меҳр ва қадригн яна бир ифодасидир, — дейди У. Ҳошимова. — Ушбу ҳужжат эълон қилинган кунда хонадонимиз тўйхонага айланиб кетди, десам, муболага эмас. Фарзанду набиралар уйимизда жам бўлди. Адибни яна бир бор эслаб, руҳи покига Қурьон тиловат қилдик. Кўзларимиз қувонч ёшига, қалбимиз ифтихор ва шукроналик туйғуларига тўлди. Гўё адиб ёнимизда туриб, шодлигимизга шерик бўлаётгандек туюларди...

Қарорга мувофиқ, адибнинг “Танланган асарлар”и, қорақалпоқ, рус ва бошқа хорижий тилларга таржима қилинган китоблари қайта нашр этилмоқда. Таълим масканлари, меҳнат жамоалари, маҳаллалар, ҳарбий қисмлар ҳамда Адиблар хйёбонида таниқли ижодкорлар, олимлар, маданият ва санъат намоёндалари иштирокида ёзувчи ижодида бағишланган анжуманлар, учрашувлар, давра суҳбатлари, турли танловлар, хотира кечалари, китобхонлик тадбирлари ўтказилмоқда. Ёзувчи асарлари асосида спектакллар сахналаштириш ва янги фильмлар яратиш, Тошкент шаҳридаги қўчалардан бирига Ўткир Ҳошимов номини бериш режалаштирилган.

Хотира — қадр демакдир. Бугун Ўткир Ҳошимовни нафақат халқимиз, сафдошлари, дўстлари, китобхонлар қадрлашмоқда, балки бу инсоннинг хотирасини абадийлаштиришга давлат миқёсида эътибор қаратиляпти. Шу маънода, адиб иккинчи умрини — узоқ-узоқ йиллар, балки асрлар бўйи давом этадиган ҳаётини яшамоқда, десак, янглишмаймиз.

— Ўткир Ҳошимовни халқимиз бир-биридан дилбар асарлар ёзган атоқли ижодкор сифатида билади. Ёзувчининг оддий инсон сифатидаги фазилатлари, феъл-атвори ва рўйхуши кўпчиликка қизиқ...

— Адибда ҳақпарастлик хислати кучли эди. Адолатсизликни, ҳақсизликни кўрса, дарров “ёниб” кетарди. Асарларида фақат ҳақиқатни ёзишга ҳаракат қиларди. Бироқ бу ҳақиқат дардга айланмаса, ёзмади.

Ижодкор ўта самимий, қалби тоза, сабр-қаноатли, мустаҳкам иродали, ҳалол инсон эди. Бошқани тинглашни, унинг дардини англашни биларди, балки шунинг учун ҳам асарлари китобхонлар томонидан севиб ўқилса керак. Ажойиб нотик ҳам эди, ўзига хос овоз оҳангига дона-дона айтилган сўзлари, образли тарзда фикр юритиши киши қалбининг энг нозик торларини да ҳартиб ўтарди. Ижод жараёнида ўзига нисбатан ўта шафқатсиз эди. Шитоб билан тўхтамга ёзар, тонг отгунча ижод қиларди.

Адибда ички бир нур, зиё бор эди. Қомусий билимга эга, бир умр қўлларидан китоб тушмаган бу инсонни доим мутолаада кўрардик. Мумтоз адабиётимиз вакилларида Алишер Навоий, Мирзо Бобур, Нодирабегим, жаҳон адабиёти намоёндаларида Румий, Шероъий, Жек Лондон, Хемингуэй, Лев Толстой, Гюго, Расул Ҳамзатов, Шукшин асарларини кўп ўқирди. Ҳозир бу киши ўқиган китобларни раварқар эканман, тағига чизилган сўзлар, ҳошияга ёзилган шарҳ ва белгилардан асарнинг қайси жихатларига эътибор қаратгани, қайси нуқталарни ўзи учун устувор билгани, нималардан ибрат олганлигини англашга ҳаракат қиламан. Ва инсонни қалбдан, руҳдан, маъна янада юксалтирадиган сабоқларга дўр келаман. Бу билимларга ҳаётий таҳриба ҳам қўшилиб, адибни доғишмандлик сари етаклаганига, ижодда инсон қалбию руҳининг, туйғуларининг мусаввирига айлантиришга шубҳа қилмайман.

— Ўткир Ҳошимов адабиёт бўстонига кириб келганидаёқ илк асари — “Чўл ҳавоси” киссаси билан Абдулла Қаҳҳордек улғў ёзувчининг назарига тушгани, ундан табрик хати олганини биламиз. Ёзувчининг ўзбек ва жаҳон адабиёти намоёндалари билан муносабати қандай эди? Ижодий масаладошлари, мухлислари билан боғлиқ ёрқин хотиралар ва ёзишмалари адабиёт илосмандларига ҳам улашсангиз.

— Хушфёъл, камтарин, айни пайтда одамхон, шинаванда инсон бўлгани учун адибнинг дўсту яқинлари кўп эди. Устозларини қадрлар, ёш ижодкорларда ҳам йилт этган истеъдод уқунчини кўрса, уларни қўллаб-қувватлашга ҳаракат қиларди. Баъзан ёзувчини йўллаб келган ошана-огайиллари, шогирдлари билан уйимиз тўлиб кетарди.

Устозлари Абдулла Қаҳҳор, Саид Аҳмад, Ғафур Ғулум, Озод Шарофиддинов

ҳақида хотиралар битган. Сафдошлари Эркин Воҳидов, Ўлмас Умарбеков, Неймат Аминов, Иброҳим Ғафуров билан кечган хангомаларни ўз бадиаларида тасвирлаган. Мазкур битикларни мутлолаа қилсак, адиб бу инсонлар билан нақада яқин, ака-укалардек самимий бўлганини англаймиз. Адабиёт ва илм ахли билан ҳазил-мутуйибага бой дилхаш дарварлари кўз олдимизда жонлангандек бўлади.

Адиб китобхонлар ва адабиёт илосмандлари билан ҳам илик, дўстона алоқалар ўрнатганди. Мамлакатимизнинг турли ҳудудларида ўтган учрашувларда ижодкорни юртдошларимиз гўят хайрихоҳлик, ҳурмат-эҳтиром билан қутиб олгани ҳақида сафдош-дўстлари, шогирдлари неча бор хикоя қилиб берган. Бу самимий муносабатлар адиб номига юборилган қўллаб-мақтубларда ҳам акс этганини кўриб, жуда севинаямиз. Уларнинг баъзиларини сақлаб қўйганмиз. Мана, масалан, 1984 йилда Фаргона вилоятининг Қува туманидан, Мушаррафхон Сиддиқовдан келган дил сўзи.

“Бу хатини сизга гамбода бир аёл ёзмокда, — дейиладди унда. — Менинг ўғлим Афғонистонда ҳалок бўлди: жасади темир тобутада келди... Она учун бундан ортқ азоб борми?! Адоиш тамом бўлди. Қўзимга ўлимдан бошқа нарсга кўринмай қолди... Шунда... қўзимга “Дунёнинг ишлари” китоби тўшиб қолди. Ўқиб, бир қадар ўзимга келгандек бўдим. Ўйлаб қарасам, мен ҳам сизнинг онангизга ўхшар эканман. Бир иштимосим бор: менга ўғли бўлинг”.

Бошқа бир инсонни ўз фарзанди ўрнида кўриш учун унга нисбатан қанчалик ўтти меҳр-муҳаббат бўлиши керак киши қалбига?!

Ёзувчи шаъни ва асарлари қаҳрамонларига атаб ёзилган шеърлар, мактов ва оқшшлар, самимий эътирофлар, китоблари қайта нашр этилишини сўраб қилинган мурожатлар, адиб номидан қўшимча қути пилла бокчани, ундан тушган маблагни Тинчлик фондида ўтказгани ҳақидаги қалб изҳорлари, ҳаётини ўзгартирган, дунёқарашини анғиллаган романлар, қиссалар учун ташаккурномалар, дилномалар... Бу мактубларга ёзувчи алоҳида меҳр билан қарар ва унингдан барчасига имкон қадар жаов ёзишга интиларди. Баъзан адибга мухлислари қизиқ воқеа-ҳодисаларни, фикр-мулохазаларни ҳам ёзиб жўнатишарди. 2002 йилнинг июнь ойида Оқдарё туманида яшовчи Т. Эгамқуловдан келган мана бу мактубга эътибор беринг.

“Мен қизиқмоқда яшайман. Қизиқмоқда китоб дўконлари йўқ. Жўзизага борсам, бозорда сизнинг икки жамиди сайлангангиз — “Баҳор соғинчи” билан “Ҳадиқли тушлар”ни сотаётган экан. Нарҳини сўрасам, етти миңг сўм деди. Ростини айтсам, етти миңг дедим. Биринчи жамидини уч ярым миңг сўмга олдим. Иккинчисини келаси бозор кўни келиб олишимни айтдим. Кейинги сафар “Ҳадиқли тушлар”ни олам, десам, китобни чиройли саалафан қозоғга ўраб, лентга билан боғлаб, орқасига яна учта китобчани тишкаб қўйибди. Баҳоси олти миңг сўм, деди. Менга анави китоблар керак эмаслигини айтсам, “бу китоб ёлғиз сотилмайди”, деди. Бағзи “савадоар”лар халқ севаган бошқа шир ва ёзувчиларнинг китобларига ҳам “ўтмас матах”ни қўшиб сотишни одам қилган. Ҳайронман, нега энди мен ўзим ҳоҳлаган китобга қўшиб ҳоҳламаган китобни ҳам олишим керак? Нима, сизлар бошқаларнинг шалдорқоқ вагонини сўдраб юрадиган “паровоз”мисиз?”

Адибнинг ушбу хатни олганида самимий қулиб қўйгани ҳали ҳам ёдимда...

— Шўро замонида ёзувчига партиянинг дастёри, адабиётга эса коммунисттик мафқуранинг қуроли, деб қараб келинди. Лекин Ўткир Ҳошимов ана шундай мураккаб даврда ҳам умумбашарий гояларни тарғиб этувчи мукаммал асарлар яратганига гувоҳимиз. Биз билишни истаган жихат: ёзувчи ўша долғали замонларда ўзини қандай тутарди? Ижодкорларга бўлган босимларни қандай енғиб ўтган?

— Ҳалоллик, адолат, халқ дардини енғишлатириш учун курашди. Ёлғонни, худбилликни, лаганбардорликни ёмон кўрарди. Тўғри гапни дангал гапирар, қўллаб “дўшман” орттириб, ўзи азият чекарди. “Юмалоқ хат”ларни айтмаймизми?.. Бу хатлар қанчадан-қанча изтироб келтирди, юракни кемирди борди. Долғали шўро замонида ҳам умумбашарий қадриятларни ёритувчи асарлар битди. Ҳақсизликни фощ этувчи мақолалар ёзди. Шунинг учун ҳам китоблари, албатта, бирон тўсқича учрамай чикмасди. Бу эса адибга ёкмас, асабига тегаар, ноҳақликдан чекаётган ичигади тугён ва изтиробларни сеидир-маслиқча уринар, сабр билан натижасини кутарди. Бу ҳолларни ўзи учун

Яратгандан юборилган синов сифатида қабул қиларди.

— Ёзувчининг “Дафтар хошиясидаги битиклар” китобида шундай жумла бор: иккита энг ҳолис ҳакам — китобхон ва вақт синовидан ўтган асар ҳақиқий асардир. Бу фикрдан адибнинг адабиётга нақадар жиддий масъулият билан қарагани ойдинлашади. Ўткир Ҳошимов қандай ижод қиларди? Бу инсоннинг асарларидаги тафти нимада, деб ўйлайсиз? Бағзи асарларининг яралиш тарихи ҳақида ҳам билсангиз керак...

— Ҳақиқатан ҳам, “иккита энг ҳолис ҳакам — китобхон ва вақт” асарга энг тўғри баҳони бера олади. Ёзувчи бир умр “ҳақиқатни, фақат ҳақиқатни ёзиш”ни ўзининг асосий бурчи деб билган. Эътибор берганимиз, асарларида доим самимий туйғулар, умумбашарий қадриятлар, инсонлар қисмати, дарди, ҳаёти балқиб туради. Халқ ўзининг дардини тушунадиган, қалбига яқин бўлган ижодкорини севади. Бундай бахтга эга бўлиш жуда қийин. Ўткир акангизга эса шундай саодат на-сиб этганидан бахтиёрман.

Адиб ижод қилаётганида баъзан ўйчан, баъзан асабий ҳаёллар оғушида бўларди. Менимча, ёзилаётган асар воқеалари ичиде юрар, қаҳрамонлар қисматида шерик бўлиб, қувонса, қувонар, изтироб чекаса, қайғуга ботарди. Асарларни бир ўтиришда шитоб билан ёзар, битмагунча ҳеч кимга қўрсатмасди. Биз ҳам ёзувчи ишлаётган пайтда безовта қилмасдик, нима ёзилаётганини ҳам сўрамасдик. Адиб ёзганидан ўзининг кўнгли тўлса, чехраси очилиб, бизга берарди. Шу тарика оила аъзолари — фарзандлар ҳам қўлёмани биринчи бўлиб ўқирдик. Асар ҳақида айтилган фикрларни муаллиф оғринмай қабул қиларди. Сўнг ижод махсули устозлари, адабиётшунос дўстлари назаридан ўтказиларди. Башарти асар муаллифининг ўзинга ёкмаса-чи? Бундай ҳоллар бир неча марта бўлган. Адиб қўлёмани йиритиб, ёқиб ташлаган, баъзан хатто матбуотда янги асардан парчалар босилгандан кейин ҳам.

1982 йили Пицундага бордик. Ёзувчилар ижодий ўйидан хона беришди. Мен болаларни денгизга олиб бораман. Адиб деярли хонадан чикмай ишлади... Орадан ўн кунлар ўтди. Бир гал хонага қайтсак, ёзган нарсаларини йиритиб ташляпти.

“Хотира — қадр демакдир. Бугун Ўткир Ҳошимовни нафақат халқимиз, сафдошлари, дўстлари, китобхонлар қадрлашмоқда, балки бу инсоннинг хотирасини абадийлаштиришга давлат миқёсида эътибор қаратиляпти. Шу маънода, адиб иккинчи умрини — узоқ-узоқ йиллар, балки асрлар бўйи давом этадиган ҳаётини яшамоқда, десак, янглишмаймиз.”

“Хай-хай”лаб бир қисмини олиб қолдим. Қўлёмга сарлавчасини шунда кўрдим. “Эртага — куз”. Юз бетлар ёзилган экан, деярли ҳаммаси йиритилиб бўпти... “Нега ундай қилдингиз?” десам, қўл сиптади: “Бўлмайди! Сиямгапти! Хом!” Қўлёманим омон қолган саҳифаларини ўқиб кўрсам, бинойидек... Нима “бўлмгани”, нима “хом”лигини орадан икки йил ўтгач, “Икки эшик ораси” романи қозоғга тушгандан сўнг англадим. “Икки эшик ораси”дек салмоқли, фалсафий, психологик роман аввалги услубга ҳам, қолип (композиция)га ҳам сиғиши мумкин эмас экан...

“Тушда кечган умрлар” романининг дунёга келиш тарихи ҳам ўзига хос. 1991 йили адиб таваллудининг 50 ёши нишонланди. Шу арафада бу кишига устозларидан бири — Умарали Норматов жўяли маслаҳат берди:

— Одатда, ижодкорлар ўз тўйига янги асар билан келади. Сиз ҳам янги асар ёзинг!

Адиб Умарали аканинг шу таклифини айтганида севиноб кетдим.

— Домла тўғри айтибдилар, — дедим.

— Ҳамма ижодкорлар шундай қиларди. Сиз бўлсангиз анчадан буён каттақоқ асар ёзганингиз йўқ.

Ғалим негадир ёзувчига ёкмади.

— Бошқалар нима қилса, ўзининг иши. Мен кунаниб ёзмайман! Асар туғилгиси келса, ўзи туғилади.

Орадан кўп ўтмай, адиб бетеб бўлиб қолди. Шифохонага ётдик. Дўхтирлар операция қиламиз, деб тақийил қилади, бу киши қўнмайди... Кеч куз эди. Бир оқшом адиб қалконга чиқиб, узоқ хаяллаб қолди. Ўйиллаб шамол эсиб турибди. Жоним ҳалак бўлиб, “ичкари киригн”, дегим кела-

дию, ййманаман... Бир маҳал ўзи палатага кириб, “қозғоз борми?” деб сўради. Қасалхонада қозғоз нима қилин? Шу кеча шифохона палатасида тонг отгунга қадар чироқ ёниб чикди. Эрталаб тутунга тўлиб кетган хонага кирган шифокор қойиди:

— Ўзингиз бу ахволда бўлсангиз, устига-устак босиб чекаверсангиз, нима, жонингизда қасдингиз борми?..

Шифокор чиқиб кетиши билан адиб ўз қарорини айтди: “Ўйга кетамиз”. Ўйга қайтишга қайтдик, лекин асарни тамомлаш тагин орқага сурилди. Орада сафар чиқиб қолди. Ёзувчи сафарга боришни асло хоҳламас эди. Барибир йўлдан қолишни илжои бўлмади. Орадан анча ўтиб, “Тушда кечган умрлар” романи эълон қилинган, китобхонлар билан учрашувларнинг бирини йўлдошлардан бири чет эл сафари ёзувчига асло татимаганини айтиб берди: “Ёзувчи сафарда юрдию, чамаси ҳеч нимани кўргани йўқ. Фикри-зикри бошқа ерда эди. Кейин билсам, роман ёзаётган экан...”

Сафардан қайтиши билан адиб деярли кеча-кундуз тўхтовсиз ишлаб, романнинг илк вариантыни бир ойнинг нари-берисида ёзди. Асарда қандайдир мунгли руҳ сезилиб тураар, унинг биринчи жумласи эса бундай бошланар эди: “Куз — ўлим тўшагига ётган беморга ўхшайди. Оёқ остида касалманд ҳазонлар инграйди”. Бу — ўша кеч қўшқоми ёзувчи шифохона қалконига чиқиб қузатган манзара бўлса ажаб эмас...

1980 йили ойим (қайноман) тўсатдан вафот этди. Адиб бу жудалиқдан жуда қаттиқ изтиробга тушди. Шусиз ҳам ўта таъсирчан одам янада маънос, ҳаёлчан бўлиб қолди. Охири Абдуғафур Расуллов, Баҳодир Ғулумов билан маслаҳатлашиб, Сижакка — Опоққўжа ака деган эски қаддролариникига чиқиб кетишди. “Дунёнинг ишлари” китобининг дастлабки боблари ўша ерда ёзилган. Адибнинг ўзи таъкидлаганича, бунга Абдуғафур ака давлат қилган: “Бошқаларда йўқ имконият сизда бор-ку, қозғиз хис этаётган шу изтиробларни қозоғга туширсангиз, бир томондан, дардингиз енғиллашади, иккинчидан, ҳоламларнинг руҳини шод қилган бўласиз”.

“Дунёнинг ишлари” бошқа асарларга ўхшаб тез ва шиддат билан ёзилгани йўқ. Ҳар бир хикоя мустақил асар сифатида

Видеолаҳада кўринг



Адиб ана қуйидаги битикларга ҳам дил оғриқларини жойлаган, деб ўйлайман:

Даракт, ўз томиридан ўсиб чиққан Нихолга айтган экан:

Баҳор чоғи гулга бурканганимда бошим устида боларлиқ гуржон ўйнаб, алёр айтди. “Сизлар кимсиз?” — дедим.

Ёз палласи япроқларини зумраддек товланганда қўшлар шохларимда панох топиб, ошён кўрди. “Сизлар кимсиз?” — дедим.

Саратон офтоби оламни ёндирганда йўловчилар соямдан баҳраманд бўлиб, жон сақлади. “Сизлар кимсиз?” — дедим.

Куз келиб, меваларини ғарқ пишганда одамлар узиб, тўйгунча тановул қилди. “Сизлар кимсиз?” — дедим...

Ногоҳон бир номард танамга болта урган эди, ҳаммаси ҳар ёкка қончи-кетди! Улардан нажот сўрасам, “Сен кимсан?” дейишди...

Ёнимда танҳо сен қолдинг!

— Президентимизнинг 2019 йил 6 мартдаги Фармонида мувофиқ, бир гуруҳ илм-фан ва адабиёт намоёндаларининг рафиқалари каторида “Фидокорона хизматлари учун” ордени билан мукофотлангандиз. Бу қувончли хабарни эшитганингизда қалбингизда қандай фикр ва туйғулар келди?

— Тўғриси, бу Фармондан хабарим йўқ эди. 8 март тадбирига таклиф этишди. Шу ерда ҳужжат ўқиб эшиттирилди. Лол бўлиб қолдим. Нахотки, ёзувчининг рафиқаси бўлганим учун шундай катта давлат мукофотига лойиқ қўрилсам? Халигача асрлар оша ҳеч бир мамлакатда ижодкорнинг турмуш ўртоғи учун бундай эҳтиром, эъзоз, меҳр қўрсатилмаган, деб ўйлайман. Ҳаяжонланди, нима дейишимни ҳам билмай қоландим. Ижодкор турмуш ўртоғининг меҳнатини, дардини тушуниб, уларга меҳр қўрсатганини учун Президентимизга чин дилдан миннатдорлик билдираман. Бу мен учун ҳаётимнинг энг қувончли қўларидан бири бўлиб қолади.

Шу билан бирга, Ўткир Ҳошимов хотираси ва оиламига қўрсатилган гамқўрликлар азгулиқ ҳеч қачон абаб кетмаслигини, борлигини халқ хизматида бағишлаган, бошқаларга маърифат, ажишлиқ улашиб яшаган инсон ёди ҳеч қачон унутилмаслигини яна бир бор тасдиқлайди.

Дилшод КАРИМОВ
(«Халқ сўзи») суҳбатлашди.

Халқ сўзи
Народное слово